

Собик шўролар диёрининг учинчи раҳнамоси Никита Сергеевич Хрущёвнинг бири биридан довдир хатти-ҳаракатлари, бутун мамлакат экинзорларини жўхориюяларга айлантириш борасидаги сароб ҳаёллари сингари хангоматалаб воқеаларни кўп эшитгансиз. Аммо бир ёмоннинг бир яхшиси, бир яхшининг бир ёмони бўлганидек, Хрущёв жаноблари ҳам алифни калтак дейдиган анойи бўлмаган.

Хуллас, 1964 йилга келиб КПСС марказий кўмитасининг биринчи котиби, 1958 йилдан эътиборан министрлар советининг раиси лавозимларида ишлаб келаётган Н.Хрущёв истеъфога чиқди. Тўғри-роғи, чиқарилди. Унинг ҳокимиятни тарқатиши билан боғлиқ тафсилотлар алоҳида бир мақолага арзигулик. Вақти келса, уларга қайтармиз. 1953 йили, яъни Сталин оёғини узатган пайтлари собик кизил салтанат жиловини қўлга олган Хрущёв тождорликдан ажралди-ю, дарвешдек каловланиб қолди. Нима қилмок керак?

Уззукун дала-ховлида ивирсиб юриш жонига теккан собик "биринчи" ниҳоят хотиралар ёзишга азму қарор қилди. Нега омади юришмади? Етакчилик йиллари қандай масалалар панд берди? Ёнидаги одамларнинг қайси бири садокатли-ю, қайси бири садокатсиз?! Ёзилажак хотира китобида шулар акс этмоғи керак. Бўлгуси китоб матни даставвал айтиб туриб ёздирилди. 1968 йилнинг ўрталарига келиб магнит тасмаларига муҳрланган барча хотиралар оқ қоғозга кўчириб бўлинди. Энди муҳим бир масала уларнинг олдига қўндаланг турарди. Хужжатлар КГБ кўлига тушиб қолмаслиги учун нима қилиш керак? Бу масалада унга ўғли Сергей Хрущёв ёрдам берадиган бўлди. Қимсан "фалончи"нинг ўғли бўлгани билан дурустгина ақл-заковатга эга бу йигитча озгина ҳордиқ чиқариш учун Петрово-Дальнеега келади. Уйдагилар унга отасининг феъли айниб ўтирганини, таъби тирриклигини айтади. Бунинг сабаблари бор эди. Собик "биринчи" бир кун олдин Сиёсий бюросида чакиртирилиб, қўстаги қокилганди. "Хотиралар ёзишни тўхтатинг, бўлмаса оқибати ёмон бўлади", дейишди Хрущёвга. Бу гап ҳеч қачон олди қайтмаган собик етакчига айилдек ботади. Оғзига қелган маза-бемаза гапларни айтаверди. Аммо КГБ ходимлари, ҳам тинч ўтиришмаганди — Хрущёвнинг дала-ховлисини эшитув-мосламаларига тўлдириб ташлаганди. Бу пайтда унинг ёнида бўлган ўғлига Хрущёв бор қардини айтди. Хотираларни мамлакат ичида қоп этиш имкони йўқлиги ҳам таъкидланди. Эндиги ягона қора қоридан эди. Қет элдаги бирор яхшироқ нашоётни топиш ва қоп этириш қарқор! Тамом-вассалом. — Қавотир олманг, ота, — деди. Сергей қалда оҳангида. — Ўзим бирор йўлини топарман.

У бирор йўлини топишига умид бор эди, 60-йилларнинг охириларида В.Луи билан қалин ўртоқ бўлиб қолган Сергей унга қаттиқ умид қоғлаётганди. Виталий Евгенъевич 37-йил қатагонларидан қабр-қулм қурган, қамокдан қикқач, инглиз тилида қоп этиладиган қазеталардан бирини муҳбири сифатида иш бошлаганди. Шу боис у қориж билан алоқа-муносабат ўрнатиш имқонига эга шахслардан қирига айланганди. Сергей Никитичнинг: "Отамнинг хотира қитоби бор, шуни қет элда қоп этириш керак", деган қаклифиға Луи ўйлаб ўтирмасдан қозилиқ билдирди. Бунинг сабаби оддий эди. Узок йиллар қорижий қавлатларда қуриб, ишонқли қанишлар орттирган Луи учун бу иш қамирдан қил сугургандек оддий қал бўлиши муқкин эди. Шундай бўлди ҳам. Луи

Хрущёвнинг ўглидан овоз ёзилган тасмалар, кўлёмаларни қабул қилиб олгач, роппа-роса бир ой йўқ бўлиб кетди. Қайтиб келгач, миждозларига: "Хаммаси жойида, хавотирга ўрин йўқ", деди. Ота-боланинг юрагида вулкандек ўйнаб турган ҳадик босилди.

Бу орада нашрни амалга оширишга АКШнинг "Литтл, Браун энд Компани" нашриёти розилик билдирди. Аммо нашриёт хўжайини Жорж Браун кўлига етиб борган кўлёмалар Хрущёв каламига мансублигига шубҳа қилаётганди. Шундай бўлиши табиий хол. Хали Совет-Америка можаролари битмаган ярага ўхшаб, қон силқиб турган бир маҳалда Брауннинг иштибоҳларини тушунса бўлади. Икки ўртадаги қелишувлар ўтадиган жой Копенгаген шаҳри, деб белгиланди. Нихоят, ҳамма расмийчиликлар оёқлагач, "Хрущёв хотиралари" китоби босилиб чиқди. Собик "биринчи" тилла топгандек қувончини ичига ситдира олмасди. Ахир унинг китобини АКШ нашриёти босди. Бу бутун дунёга тарқаладиган китоб ва унинг муаллифини янада таниқтириб қўлиши демак эди. Аммо не ажабки, Хрущёвнинг дориламон қувончи кўпга қўзилмади. Уни Марказқўмнинг фиркавий назорат қўмитаси раиси А.Пельше қабулига чақиртирди-ю, гарчи Пельше бир пайтлар Хрущёв ҳуқуқронлиги пайтида масъул лавозимларда ишлаган, халқона ибора билан айтсак, "қўзининг ёғини ялаган" эди. Бироқ у бу гал собик валинёнматига бошқача муомала қилди. "Қирол ўлди, яшасин қирол" қабилидаги муносабатда Пельше асосий эътиборни Хрущёвнинг хорижда чоп этилган китобига қаратди. Гап орасида китоб босилмасдан олдин сиёсий бюро аъзоси Кириленко қабулида бўлган пайтида Хрущёвнинг қаттиқ оғохлантирилганини писанда қилиб ўтди, "Сизни оғохлантиргандик, - деди Пельше қўрс оҳангда. - Лекин шуни била туриб, шўро давлатининг авра-астарини очиб қўрсатадиган китоб чоп қилдирибсиз. Бу айбларингизни қандай изоҳлайсиз?" Пельшенинг бу саволидан ўлим хиди уфурарди. Табиатан оилапарвар бўлган Хрущёв оиласининг бус-бутун заволи топишини истамасди,

"Бўлмаган гап, - деди у бош иргаб, - мен ҳеч қаерда китоб чоп эттирган эмасман. Буни қилиб адо бўлаётган буржуа матбуотининг навбатдаги найранги, деб биламан". Бу оқлов билан Пельшенинг темирдан қаттиқ дейдасини юмшатиш тўғриси, ишонтириш анча мушкул масала эди. У суҳбатдошини фавқулодда довдиратиб қўядиган саволлар берди. Хрущёв ён беришга мажбур эди. Шундай қилиб собик "биринчи" хорижий мамлакатга ҳеч қандай кўлёмма тақдим этмаган, буларнинг бариси "ёлгон" бўлиб чиқди. КГБнинг бу борада йиккан маълумотлари ҳам мавҳумлик ботқоғига ботгани боис, Пельшенинг даъволари ҳам қумга сепилган сувдек бесамар кетди. Нихоят, Хрущёв "игвогар" хориж нашриётига маломат тоши ёғдирадиган баёнот эълон қиладиган бўлди. Баёнотда Хрущёвнинг ҳеч қачон хотиралар ёзмагани, буларнинг бариси қизил салтанатга гараз билан қаровчи галамис тўдаларнинг тубанлиги эканлиги қайд этилди. Масаланинг энг қизиктомони бошқа ёқда. Гап шундаки, Сергей Никитич отасининг хотиралари хорижда чоп этилмасидан бурун ўшар пайтда КГБга раҳбарлик қилган Юрий Андроповга (Л, Брежнев вафотидан кейин биринчи қотиб) таниш-билишлари орқали шама қилдирган, тўғриси, собик хавфсизлик хизмати бошлиги бу машмашалардан тўла хабардор эди. Аммо китоб чоп этилиб, фиркавий назорат қўмитасидагилар айюҳаннос асолишлари билан Андроповнинг мудроқ виждони гўё "уйгонгандек" бўлди. У сиёсий бюрога шошилиш равишда ҳисобот тайёрлар экан, Хрущёв хотираларининг реакцион моҳиятини "очиқ" ташлади. Мана, қарийб чорак асрдан кўп вақт ўтди. Лекин Андроповнинг

кутилмаганда тутун кайтаришини хеч ким изохлай олмаяпти.

Хидирали ПАНЖИЕВ тайёрлаган